Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 153 (4551).
8 ИЮЛЬ 1981 й.
ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПРАВДА саҳифаларида

◆ Газетада «Муқобил планлар бўйича» деб номланган бош мақола берилган. «Муқобил равишда планлаштириш, деб таъкидланади унда, ҳар бир ишчининг, коллектив ва бутун жамиятнинг манфаатларини мужассамлантиради. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори ва ўн биринчи беш йиллиқда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорларида муқобил планлаштириш масалаларига алоҳида ўрин берилган».

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Л. И. БРЕЖНЕВ АСАРЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ ТОМИ

Снёсий адабиёт нашриётида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан» асарлари (1979 йил апрель — 1981 йил март) тўпламининг саккизинчи томи ,босмадан чиқди.

Шу томга киритилган асарларда КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида КПСС билан Совет давлатининг кўп томонлама фаолияти тасвирлаб берилган.

Тўплам материалларида ҳозирги босқичда партиянинг миллий снёсатини амалга оширишга, совет давлатчилигини, социалистик демократияни ривожлантиришга тааллуқли янги муҳим қоидалар баён этилган. Том КПСС XXVI съезднинг материаллари — Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади ва унинг съездаги ҳамда съезд муносабати билан қилган бошқа нутқлари билан ниҳоясига етади.

Тўпламнинг мазмуни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг атоқли раҳбари — Леонид Ильич Брежнев партия снёсатига, мамлакатимизнинг коммунистик қурилиш йўлидан тобора ривожланиб боришига, ер юзида мустаҳкам тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш улуғ ишига ғоят катта шахсий ҳисса қўшаётганлигини яққол ифода этади.

(ТАСС).



Тошкент, 7 июль. Республика семинар-кенгашида. Минбарда — КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов. (ЎзТАГ фотоси).

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-КЕНГАШИ

7 июль куни Тошкентда КПСС XXVI съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида идеология ишини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши очилди. Бу семинарда область, шаҳар ва район партия комитетларининг идеология иши масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, бўлим мудирлари, министрликлар ва идоралар, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари, республика совет, касаба союз ва комсомол органларининг масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов очди.

Семинар-кенгашда КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников семинарда «КПСС XXVI съездининг қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида идеология, снёсий-тарбия ишининг самарадорлиги ва сифатини ошириш йўллари» тўғрисида доклад қилди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов КПСС XXVI съезди қарорларида партиянинг иқтисодий снёсати янада пухта ишлаб чиқилганлиги, ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистонни иқтисодий ва социал ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтдилар.

Семинар программасига КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш билан боғлиқ кўп масалалар юзасидан тўпланган тажрибани баҳам кўришни кўзда тутади. Республика партия ташкилотларининг КПСС XXVI съезди қарорларини пропаганда қилиш ва меҳнаткашларни партия режаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига, шунингдек идеология ходимлари Бутуниттифоқ семинар-кенгашининг тавсияларига мувофиқ ўн биринчи беш йилликка белгиланган коммунистик қурилиш планларининг амалга оширилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш таъсирчанлигини кучайтириш соҳасидаги фаолияти муҳокама қилинмоқда.

Республика семинар-кенгаши ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуратов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. Умаров, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. И. Воробьев қатнашмоқдалар.

Семинар қатнашчилари шу куни В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида республика идеология союзларининг раҳбарлари билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнутқи

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди ўз ишини тамомлаганидан буён тўрт ойдан сал кўпроқ вақт ўтди. КПСС билан совет халқи В. И. Ленин васиятларига, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмига чексиз содиқ эканликларини, съезд яна бир марта жуда яққол кўрсатди. Съезд тарихий қарорларининг ўзгартирувчилик кучи, съезд эълон қилган янги ғоялар ҳозир совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида, тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги кураш очиқ-равшан сезилиб турибди.

Реал социализм, барча революцион кучлар ривожининг масъулиятли марраси, мураккаб ва хатарли халқаро вазиятда Ленин партияси ўзининг коллектив донишмандлигини, ички ва халқаро ривожланишнинг энг зарур, ҳаётий муҳим масалаларига тўғри жавоб бера билиш маҳоратини яна намойиш этди.

КПСС XXVI съезди халқлар онгига тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, қуролланиш пойгасини жиловлашдан иборат қатъий ва пухта ўйлаб кўрилган позицияни империализмнинг уруш ниятларидан ёқувчиликдан иборат агрессив йўлига қарама-қарши қилиб қўйган анижуман бўлиб кирди. Съезд жаҳон снёсатининг энг кескин, энг «портлай деб турган» муаммолари бутун комплексини ҳал этишнинг реал йўлини кўрсатди.

Съезд коммунистик бунёдкорлик йўлидаги муҳим босқич бўлди. У партия билан халқимизни ҳозирги босқичдаги кураш стратегияси ва тактикаси билан, совет жамияти иқтисодий, социал-снёсий ва маънавий ҳаётини янада мустаҳкамлашга ҳамда ривожлантиришга қаратилган конкрет йўл-йўриқлар билан қуроллантирди.

Партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади ҳозирги замоннинг буюк ҳужжати, дунёдаги ишларнинг аҳволини марксча-ленинча ижодий таҳлил этишнинг, объектив баҳолашнинг ажойиб намунасидир. Бу докладда партия билан халқ революцион ўзгартирувчилик фаолиятининг зўр тажрибаси умумлаштирилган, жаҳон ривожининг, КПСС иқтисодий ва социал снёсатининг актуал проблемалари юзасидан муҳим назарий умумлашмалар ва хулосалар баён этилган. Ҳисобот доклади илмий коммунизм назариясига ва практикасига катта ҳисса қўшди, партиямизнинг программ ҳужжати бўлиб қолди, ўн биринчи беш йиллик улуғвор режаларини бажариш учун курашда совет халқи учун қудратли ҳаракат манбаига айланди.

КПСС XXVI съездининг ғоллари ва қарорлари миллион-миллион кишилар онгида ўртоқ Л. И. Брежневнинг номи билан чамбарчас боғланган. Леонид Ильичнинг партия ва давлат ишидаги жуда катта тажрибаси, унинг социализм ва тинчлик ишига астойдил садоқати, коммунистик қурилиш ва халқаро снёсатнинг энг зарур, истиқболли вазифаларини ҳал этишнинг тўғри йўллари ва воситаларини белгилашдаги юксак санъати, унинг ленинча ёндашиш, ленинча донишмандлик ва ишчанлик, коллективизм руҳи билан суғорилган бутун иш услуби, омманинг эҳтиёжларига ва фикрига сезгирлик билан эътибор бериш — ленинча чиниқиш сабогини олган, ленинча кенг миқёсда иш тутадиган инсоннинг, ленинча типдаги арбобнинг мана шу ҳамма фазилатлари КПСС XXVI съезди ишида ва қарорларида тўла-тўкис намоён бўлди.

Докладда баён этилган қоидалар ва вазифалар партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотлари учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Экономика, социал жараёнлар, идеология фаолияти соҳасидаги ишларнинг ҳолатини баҳолашдаги реализм, 80-йиллар учун белгиланган марраларнинг конкретлиги ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладига, унинг съезд ёпилиши вақтида сўзлаган нутқига алоҳида таъсирчанлик бахш этади, совет халқини мамлакатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга сафарбар қилишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобот докладининг ғояларини, съезднинг йўл-йўриқларини ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш онгига тушунарли тил билан, яққол ва ишонарли тарзда сингдириш, мана шу энг муҳим ҳужжатларни чуқур ўрганишни ташкил этиш, омманинг куч-ғайрати ва ташаббусини съезд қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилишда партия ташкилотларига ёрдам бериш — ҳозир бутун ташкилотчилик ва снёсий ишимизнинг энг муҳим вазифаси ва бош мазмунидир.

Бунда съезд материалларини пропаганда қилиш, ўрганиш қисқа муддатли кампания бўлмай, балки биз қилишимиз лозим бўлган ҳамма ишлар учун пишиқ-пухта эътиқод негизини вужудга келтирадиган мунтазам, амалий, пухта ўйлаб қилинадиган иш, такрор айтаманки, амалий ва пухта ўйлаб қилинадиган иш экани ҳамиша эсда тутмоқ керак.

Съезд партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ҳамма ишлари ва режаларига миллсиз кучқувват бахш этди, ҳамма жойда съезд қарорларини турмушга татбиқ этиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Партиямиз Ленин васиятларига амал қилиб, ғоявий-тарбиявий ишни ўзининг энг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаб келди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди. Шу сабабли КПСС Марказий Комитети бу ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисида, партия ташкилотларини энг яхшиларнинг тажрибаси билан қуроллантириш ҳақида, КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир қарорларини ва партия XXVI съездининг йўл-йўриқларини муттасил рўёбга чиқариш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Шу йил апрель ойида Москвада бўлиб ўтган идеология ходимларининг Бутуниттифоқ семинар-кенгаши бунинг яққол далилидир. Съезддан кейин оз вақт ўтгач, бу кенгашнинг чақирилиши съезд ўртага қўйган вазифаларни рўёбга чиқаришда партия снёсий-тарбиявий ишга нақадар катта аҳамият бераётганини равшан кўрсатиб турибди. Шу боисдан ҳам ўша кенгашда ишлаб чиқилган қоидалар ва тавсиялар республика партия комитетларининг фаолияти практикасига кенг миқёсда ва имкони борича тезроқ сингдириб юборилиши жуда муҳимдир.

Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари барча совет кишилари каби ҳозир КПСС XXVI съезди қарорларининг сафарбар этувчилик таъсири остида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Республикада партия белгилаб берган социал-иқтисодий ривожланиш программасини бажариш учун умумхалқ кураши авж олиб кетди.

Биз ўз олдимизда турган вазифалар миқёси ва мураккаблиги даражасига амалда кўтарилганимиз сайин, биз съезд ишлаб чиққан назарий қоидалар ва йўл-йўриқлар бойлигини тобора чуқур ўзлаштирганимиз сайин биз партиявий-снёсий ишни яхшилаш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш зарурлигини тобора равшанроқ англайверамиз.

Ҳамма режаларимизнинг муваффақиятли рўёбга чиқиши съезд қарорларини кундалик конкрет ишларда нақадар оператив ва сифатли намоён эта олишимизга, идеология ишини съезд йўл-йўриқларига мувофиқ равишда самарали қайта қуришга муваффақ бўла олишимизга жуда кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Бу вазифаларни ҳал этишда шаҳар ва район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, республика совет, касаба союз, комсомол органлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбар ходимларининг КПСС Марказий Комитети қарорига мувофиқ ўтказилаётган ушбу семинар-кенгаши муҳим роль ўйнаши лозим. Семинар-кенгаш КПСС XXVI съезди талаблари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида идеология, снёсий тарбия ишининг самарадорлиги ва сифатини ошириш йўлларини муҳокама қилади.

Семинар ишида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири, ҳаммамизнинг чуқур ҳурматимизни қозонган ўртоқ Евгений Михайлович Тяжельников иштирок этаётганлиги қувончли ва диққатга сазовордир. Буни биз партия Марказий Комитетининг республикада партиявий-снёсий ишни муттасил такомиллаштириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг яна бир ифодаси деб биламиз.

Семинар-кенгашимизнинг программаси тўрт кунга мўлжалланган, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарлари, республика министрликлари ва идоралари, ижодий союзлар, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбарлари, чиқишларини, тажрибаларни баҳам кўришларни ва фикрлашувларни, Тошкент ва пойтахт области партия ташкилотларининг иш практикаси билан танишишни кўзда тутади. Ишимизнинг мана шундай плани партия комитетлари ва ташкилотлари фаолиятининг актуал проблемаларини амалий равишда муҳокама қилиш, тажрибани ўртоқлашиш, тарбиявий жараённинг турмуш юзага келтирган янги шакл ва усулларини ҳар томонлама таҳлил этиш учун яхши имконият беради, деб ўйлаймиз.

КПСС XXVI съездида идеология ишининг кўпгина соҳалари ва жабҳаларини қайта қуриш зарурлиги масаласи аниқ-равшан қилиб қўйилди. Бу кўрсатмани коммунистик тарбиянинг вужудга келган системасини қандайдир ўзгартириш деган тарзда тушунмаслик керак — бундай қилишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Аксинча гап партия комитетлари ва ташкилотлари практикасида орттирилган жамики чиниқим қимматли тажрибаларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш тўғрисида бормоқда.

Қайта қуришнинг моҳияти ва мақсади — пропаганда ва агитациянинг мазмунини бойитишдан, уларнинг ҳаёт билан боғланишини мустаҳкамлашдан, уларнинг илмий савияси ва жанговарлигини оширишдан иборат. Бу соҳада эскирган, қотиб қолган иш усулларини одамлар билан мулоқотда бўлишнинг янги, янада таъсирчан шакллари билан алмаштириш ҳам жуда муҳимдир. Съезднинг бутун ғоявий-тарбиявий ишни сийқа ибораларсиз ва тайёр жумлаларнинг бир қолипдаги йиғиндисисиз жонли ва мароқли олиб бориш тўғрисидаги, бу ишнинг замонавий шароитларга, инсоннинг ўсиб бораётган маънавий талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши ҳақидаги талаби принципиал аҳамиятга эгадир.

(Давоми иккинчи бетда)

МОСКВАДАГИ XII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Москва кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклайман.

Жаҳон кинематографияси ютуқларининг мана шу кенг кўриклари анъаналарини бизнинг мамлакатимизда юксак қадрлайдилар. Кино — қудратли санъат, ўз моҳиятига кўра демократикдир. Унинг аудиторияси миллиардлаб кишилардан иборат. Кинематографиячиларнинг ғоят катта масъулияти ҳам мана шундан келиб чиқади.

Бироита ҳам чинакам санъаткор воқеликни тасвирлай туриб, даврнинг бош проблемаларидан четда қола олмайди. Бинобарин шу нарса табиийки, у эзгулик, адолат, озодлик, тинчлик идеаллари учун нақадар аниқ-равшан курашса унинг овози шу қадар яхши эшитиладиган бўлади. Бугунги кунда халқлар ўртасида ҳамжиҳатликка эришиш, уларнинг маънавий муносабатда бўлишларига ёрдам бериш айниқса муҳимдир. Тараққийпарвар кино шунга хизмат қилади.

Бу галги Москва фестивали халқаро ишларда тинчликни сақлаб қолиш проблемаси кескинроқ бўлиб қолган бир пайтда ўтмоқда. Совет Иттифоқи ўзининг позициясини аллақачон белгилаб олган. Биз — кескинлик юмшатилишини мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз. КПСС XXVI съездида бу ҳақда яна бир бор амалий ва конструктив тарзда баён этилди.

Милитаризм кучлари бош кўтараётганлигини биз яхши сезиб турибмиз. Аммо кишилар ёвузлик олдида ўзларини заиф деб билмасликлари керак. Аксинча, тинч ҳаёт учун бўладиган ҳар қандай хавф-хатар ва тахдидларни бартараф этишга яна ҳам зўр ирода, яна ҳам сабот-матонат билан эришиш зарур.

Мен аминманки, фестивалнинг «Кино санъатининг инсонпарварлиги учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун!» шиори кино ходимларининг вазифаларингигина эмас, шу билан бирга ер юзидаги барча халқларнинг энг эзгу орзу-умидларини ҳам яхши ифода этади.

Москвадаги халқаро фестивалнинг самарали ишлашини ва унинг олижаноб миссияси тўла муваффақият қозонишини чин кўнгилдан тилаймен.

Л. БРЕЖНЕВ.

Н. А. ТИХОНОВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СОФИЯ, 6 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов Софиядан Москвага жўнаб кетди. У БКП Марказий Комитети ва БХР Министрлар Советининг таклифига биноан амалий дўстлик визити билан бу ерга келган эди.

Аэропортда Н. А. Тихоновни БКП Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Г. Филипов, БКП Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Божинов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг БХРдаги элчиси Н. П. Толубеев ҳам бор эди.

Аэродромда фахрий қоровул саф тортди. Н. А. Тихонов билан Г. Филипов жангчилар сафи олдидан ўтдилар.

СССР ва БХРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

* * *

Н. А. Тихонов шу куниёқ Москвага қайтиб келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси А. Я. Пельше, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар кузатиб олдилар. (ТАСС).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси МХРП Марказий Комитети ва МХР ҳукуматининг таклифига биноан 7 июлда расмий дўстона визит билан Москвадан Уланбаторга жўнаб кетди. Делегация Монголия халқ революциясининг 60 йиллиги байрамида ҳам қатнашади.

Делегацияни аэродромда КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори пухта ўйлаб, эҳтиёткорона ва талабчанлик билан ёндашишнинг ёрқин намунасидир. Сиёсий ўқув системасида вужудга келган жамики қимматли тажрибани мустаҳкамлаш билан айни бир вақтда бу қарор ҳозирги кун талаблари тақозо этган кўпгина янгиликларни киритади. Бу қарор ҳар биримизни ташаббус кўрсатишга, коллектив ва шахсий ижодкорликка даъват этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги вақтларда коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ҳамда иқтисодий ўқиши билан, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаолияти билан, лекция пропагандасининг ҳолати ва идеология ишининг бошқа соҳалари билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни. айни мана шу позициялардан туриб таҳлил этди. Биз, идеология фронтининг ходимлари ўзимизнинг кундалик иши-ишни айни шундай зўр жўшқинлик билан истиқболни кўзлаб, ижодий тарзда ва илҳом билан олиб боришимиз керак. Ҳозир биз бундан бошқача меҳнат қилолмаймиз. Бошқача йўл билан муваффақиятга эришиб бўлмайди!

Леонид Ильич Брежнев партия XXVI съездидаги Ҳисобот докладининг «Ривожланган социализм даврида КПССнинг иқтисодий сиёсати» деган асосий бўлимларидан биринчи қунлар экан, жуда муҳим принципиал қоидани лўнда, аниқ, равшан қилиб бундай таърифлади: «Экономикага раҳбарлик қилиш масалалари шунчаки хўжалик масалалари бўлмай, сиёсий, партиявий масалалардир. Партия шиорлари, программалари омманинг фаолиятида яшаётганлиги кўпдан маълумдир. Биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, деган эди В. И. Ленин, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларга эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак».

Ғап амалда ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик ишининг узвий бирлигига эришиш тўғрисида бормоқда. Ҳаёт барча хўжалик-иқтисодий ва сиёсий вазифаларимизни ҳал этишга мана шундай комплекс ёндашиш заруратини бугун ҳар қачонгидан ҳам зўр куч билан тақозо этмоқда.

Хўш, конкрет нималар назарда тутилмоқда? Республика партия ташкилотларининг бу соҳадаги иш практикаси қандай?

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан кейин орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу вақт ичида рўй берган ўзгаришлар умуман, кенг миқёсда баҳолайдиган бўлсак, партия комитетлари, идеология жабҳасидаги активлар, барча хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларига янада зўр масъулият билан қарай бошладилар. деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Сиёсий-тарбиявий иш масалаларининг турли жиҳатлари партия комитетларида ва бошланғич партия ташкилотларида маънавий-психологик иқлими учун, хўжалик фаолиятининг идеологик оқибатлари учун ҳам раҳбарларга нисбатан талабчанликни бутун чоралар билан оширишлари зарур.

Биз ҳаммамиз, айниқса идеология ходимлари. ҳар қандай раҳбар ходим ўзининг бутун иш услуби билан, ишга муносабати билан, одамлар билан муомала қилиш йўриғи билан, шахсий феъл-атвори ва ибрати билан коллективнинг онги ва кайфиятига таъсир қилишини ҳамиша назарда тутишимиз керак. Раҳбар кадрларни танлашда мана шуларни ҳам эътиборга олиш керак.

Бу кадрлар ишни чуқур билиши, сиёсий жиҳатдан етуклиги, одамларга меҳрибонлиги билан ажралиб туриши керак.

Бугун мазкур масаланинг жуда муҳим яна бир қиррасини — раҳбар ходимларнинг сиёсий-тарбиявий ишда шахсан қатнашиши кераклигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ваъзан бу ишга етарли эътибор берилмайди. Тахминан шундай деб мулоҳаза юритадилар, раҳбар ходим меҳнат коллективларининг аъзолари билан кун сайин ва кўп мартаба муомала қилади, ишлаб чиқаришга доир кўпдан-кўп катта ва кичик масалаларни ҳамда шахсий масалаларни ҳал этади. Моддики шундай экан, унинг лекциялар ўқиши, суҳбатлар ўтказиши, сиёсий ёки иқтисодий мактабдаги машғулотларга раҳбарлик қилиши шартми?

Бу саволга фақат битта жавоб бўлиши мумкин: Албатта шарт! Чунки у бу ўринда бошқа бир тарзда майдонга чиқади: энди у ўз ҳукмини ўтказадиган маъмурий ходим эмас, балки ўз сафдошлари, маслакдошларига партия сиёсати ва албатта коллективнинг умумий иши мағзини чақиб берадиган обрў-эътиборли ўртоқдир. Натижада ижодий муҳит, ўртоқларча ҳамжиҳатлик ишга манфаатдорлик билан ёндашиш вазияти юзага келади.

Бу — мутлақо равшан масала бўлса ҳам, аммо баъзи раҳбар ходимлар тарбиявий ишдан четда турганликларини кўрсатувчи фактларга ҳам тез-тез дуч келиб турибмиз. Бунинг устига партия ходимлари орасида ҳам баъзи бировлар мана шу жуда муҳим фаолият соҳасига ҳамон етарли аҳамият бермаяптилар. Лоақал ягона сиёсий кунлар сингари иш формасини олиб кўрайлик. Бу форма нисбатан яқинда юзага келган бўлса ҳам, аммо партия ташкилотларининг иш тажрибасидан кенг ва мустаҳкам ўрин олди. Вироқ, айрим шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, бошқа партия, совет, хўжалик органларининг ходимлари банд эканликларини баҳона қилиб одамлар билан учрашиш имкониятини, улар билан дилкаш суҳбатлашиш, ишларнинг аҳволи ва келгусидаги вазифаларни гапириб бериш, уларни қизиқтираётган саволларга жавоб қайтариш имкониятини назарга илмаяптилар. Ҳолбуки, меҳнаткашлар билан бевосита алоқа қилиш, уларнинг фикрлари ва кайфиятини билиш, одамларнинг онги ва дилига шахсан таъсир қилиш — ҳар бир раҳбар ходим учун мураккаб ва мажбурий шартдир.

Шу масала билан боғлиқ бўлган яна бир ғап: ишимизда матбуотдан фойдаланиш ҳақида, бунинг ёрдамида партия, давлат, хўжалик органлари ва ташкилотлари фаолиятида ошкоралик тобора тўла-тўкис амалга ошириш тўғрисида гапириб ўтмоқчиман. Афсуски баъзи ўртоқлар бу масалани газеталаримиз турли-туман кенгаш ва мажлислар тўғрисидаги ҳисоботлар, тегишли органларнинг қарорлари билан доимо тўлдириб чиқарилиши керак, деган тарзда тушунадилар. Большевистик матбуот ленинча принципларнинг моҳияти эса шундан иборатки, мансабдор шахслар етилган проблемаларни қандай ҳал этаётганликлари тўғрисида матбуот, радио, телевидение орқали доимо ҳисоб бериб туришлари, одамларни қизиқтираётган масалаларга очиқ-ойдин жавоб қайтаришлари лозим.

Социалистик экономика — совет кишилари бунёдкорлик фаолиятининг бош соҳасидир. Меҳнат зафарларида қатнашмай туриб, янги инсонни самарали тарбиялаб, уни ҳар тарафлама камолотга эришдириб бўлган эмас ва бўлмайди ҳам.

Биз ҳамиша маънавий, маффкуравий, омил, хўжалик вазифаларини ҳал этишда бениҳоя актив роль ўйнашига асосланиб иш тутишимиз лозим. Бунинг маъноси шуки, биз сиёсий, тарбиявий ишимизнинг самарадорлиги ва сифатини ошириб, социал иқтисодий тараққиётни тезлаштиришимиз мумкин ва аксинча, тарбиявий ишга эътиборсизлик бу тараққиётни секинлаштириши мумкин.

Бу жиҳатдан олганда социалистик мусобақани ташкил этиш, илғор тажрибани кенг пропаганда қилиш ва амалий жорий этиш катта аҳамиятга эга бўлади. КПСС XXVI съездининг қарорлари омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини қулф урдиргани. Унинг ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва кучини янада юксалтирган бир даврда бу айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида партия режаларини амалга ошириш учун умумхалқ курашининг конкрет вазифалари белгиланди. Бу вазифалар ҳар бир партия комитетининг, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир меҳнат коллективининг амалий иши бўлиб қолиши керак.

Республикада москвалик-ларнинг 1981 йил ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги ташаббуси кенг ёйилди. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини икки марта ошириб бажарган ва ўн биринчи беш йилликда ўн йилга ва шундан кўпроқ даврга мўлжалланган планларни бажаришга аҳд қилган саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа илғорларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган мажбуриятларида республика меҳнаткашларининг ватанпарварлик ғайрат-шижоати ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Бу ажойиб ташаббусни пропаганда ва агитациянинг ҳамма воситалари билан кун сайин маънавий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлагина қолмай, илғор иш усуллари ва методларини пухта ўрганиш, барча меҳнаткашларни бу усул ва методлар билан қуроллантириш, ҳар бир иш жойида ташаббус кўрсатиб, яъни ғайрат билан меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳам жуда муҳимдир.

Бу ғап Қизил байроқли неча ўнлаб коллективларга, орден ва медаллар билан мукофотланишга сазовор бўлган минг-минглаб меҳнат қаҳрамонларига тамомила тааллуқлидир. Энг яхши ишлаб чиқарувчилар ва илғор коллективларнинг тажрибаси биринчи навбатда ишимизнинг бугунги ва эртанги кунини белгилаб берадиган энг муҳим, энг долзарб масаладир.

Ўртоқлар! Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш — бутун партиянинг, барча коммунистларнинг ишидир. Аммо идеология ходимлари бу соҳада алоҳида, жуда масъулиятли роль ўйнайдилар, деб таъкидлаб ўтаман. Республикада билимли, малакали активларнинг катта отряди мавжуддир. Улар кишиларни коммунистик эътиқод, юксак маънавий-сиёсий фазилатлар руҳида тарбияламоқдалар, янги кишини — соф виждонли меҳнатчини, ватанпарвар ва интернационалистни камол топдирмоқдалар.

Илҳомбахш меҳнатлари учун, ўз бурчларини юксак даражада англаганликлари учун, ўзларининг билими, қалбининг бутун ҳароратини, бой ҳаётий тажрибасини тарбиялаш каби олижаноб ишга бағишлаётганликлари учун уларга катта раҳмат деймиз ва бутун халқимизнинг миннатдорчилигини изҳор қиламиз!

Совет кишиларининг ҳаёти тобора ёрқин, кўркам, сермазмун бўлмоқда. Уларнинг ҳаёти тез ривожланиб, янги, янада юксак талабларни, шу жумладан сиёсий-тарбия ишлари олдига катта талабларни қўймоқда. Шу боисдан биз эришилган муваффақиятлар билан асло қаноатланиб, хотиржам бўлмаслигимиз, бир жойда тўхтаб қолмаслигимиз керак. Ғоявий-сиёсий ишнинг ҳамма формалари ва воситаларидан фойдаланиб, ҳар бир кишини бундан буён ҳам тошпирилган иш учун юксак жавобгарликни сезиш, камчиликларга ва салбий ҳодисаларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш, ҳаётда актив позицияда туриш, совет Ватанимизга муҳаббат, партия ишига, коммунизм манфаатларига садоқат руҳида тарбиялаш лозим.

Журналистларимиз, пропагандистларимиз, лекторларимиз, сиёсий докладчиларимиз, агитаторларимиз ва сиёсий ахборотчиларимизнинг ленинча ниоятириш санъатини эгаллашлари тўғрисида, уларнинг ижодий юксалишлари учун зарур шарт-шароитларнинг ҳаммасини вужудга келтириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш — партия комитетларининг бурчи ва вазифасидир. Идеология иши коммунизм учун курашнинг муҳим жабҳаси эканлигини ва олдимизда турган социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш бу соҳадаги муваффақиятларимизга боғлиқ эканлигини ҳамиша эсда тутиш лозим.

Биз, коммунистлар, энг юксак мақсадларни, узоқ истиқбол йўлларини белгилаганимизда ҳамиша реал аҳволга, келажакнинг ҳозирги кунда шаклланиб боражагига асосланамиз. Ҳозирги кунда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида КПСС XXVI съездининг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик программасини амалга ошириш учун кураш олиб борилмоқда.

Республика саноати беш йилликни яхши бошлаб, йилнинг биринчи ярми планнини муддатидан илгари бажарганлигини мамнуният билан айтиб ўтишни истаймиз. Топшириқдан ташқари 175 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш кўпайди, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайди.

Республикада озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу программани амалга оширишга ҳал қилувчи ҳисса қўшишлари лозим. Улар ўз бурчларини яхши англаб, беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш борасида зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Чорвачиликда урчитиш кампаниясини муваффақиятли ўтказилди, гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини кўпроқ етиштириш ва тайёрлашга эришилди. Республика пиллачилари катта муваффақиятларни қўлга киритиб, ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар ва пилладан рекорд ҳосил олдилар.

Шу билан бирга барча имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаганлигини, олдимизда оғир синовлар турганлигини, мўлжалланган марраларга эришмоқ учун кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшиб ишлаш зарурлигини назарда тутиш керак. Баъзи саноат корхоналари ишлаб чиқариш топшириқларини бажармаганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Баъзи қурилиш объектларидаги ишлар мўлжалдагидан орқада қолмоқда.

Пахта далаларидаги аҳвол ташвиш туғдирмоқда. Кўкламда ҳавонинг совуқ келиб, кўп ёмғир ёққанлиги ғўзанинг ривожига тўсқинлик қилди, кўп жойларда чигитни иккинчи марта, баъзи жойларда эса учинчи марта қайтадан экишга тўғри келди. Ана шу қолоқликка барҳам бериш учун республикамизда ғўзани парвариш қилиш борасида 100 кунлик зарбдор вахта эълон қилинди. Бой тажрибанинг ҳаммасини, пахтакорлар олтин қўлининг бутун маҳоратини ғўзани яхши парвариш қилишни таъминлашга сафарбар этиш, олинган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга эришиш керак.

Хуллас, хўжалик қурилишининг ҳамма йўналишларида ғоят масъулиятли ишни бажарии лозим.

Бундай шароитда идеологик кадрларнинг оташин сўзи ҳам, шахсан кўрсатадиган намунаси ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг эзгу ишлари кишиларда фидокорлик, оммавий меҳнат қаҳрамонлигини вужудга келтиради. Улар коммунистик қурилишнинг ҳозирги вазифаларини ҳам, келажакдаги вазифаларини ҳам ҳал этишга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар.

Семинаримизнинг ишида съезд қарорларини амалга оширишда жуда муҳим роль ўйнайдиган кишилар қатнашмоқда. Шаҳар ва район партия комитетлари омма ўртасида бевосита иш олиб бориб, меҳнат коллективлари билан чамбарчас боғланиб, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига амалий йўл-йўриқ бермоқдалар.

Ўртоқлар, сизлар жойларда пропагандистлар сифатида ҳам, агитаторлар сифатида ҳам, ташкилотчилар сифатида ҳам иш олиб бормоқдасиз.

Бу — енгил меҳнат эмас. Бу — кўп билим, битмас-туганмас ғайрат. собитқадамликни, кишиларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва эътиборни талаб этади. Партия сизнинг чинакам бир буюк ишингизни ғоят қадрлайди, сизларга таянади ва ишонади.

Улуғ пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький: «Ҳар бир нарсани яратадиган ҳам инсон, улуғлайдиган ҳам инсон» деб ёзган эди. Ажойиб сўзлар! Партия, идеология ходимлари олдига совет кишиларида илмий дунёқарашни, ленинча ғоявий эътиқодни, юксак онгни шакллантириш, коммунизм қуришга шай бўлиб туриш, шу йўлда ўз хоҳиш-иродаси, маҳоратини такомиллаштириш каби жуда муҳим иш қўйилмоқда.

Ҳозирги семинар-кенгаш республикадаги партия комитетларини ва бошланғич партия ташкилотларини сиёсий-тарбиявий иш соҳасида янги катта тажриба билан бойитади, уларнинг ғоявий-сиёсий фаолиятини юксак даражага кўтаришга самарали таъсир ўтказади ва бу билан олдимизда турган ва партия XXVI съезди белгилаб берган катта ва мураккаб вазифаларнинг ҳаммасини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Семинар-кенгаш қатнашчиларига, республикамизнинг идеология соҳасида иш олиб бораётган ҳамма активларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда янги ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

7 июль куни Москвада, Катта Кремль саройида ўнинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Депутатлар ва меҳмонлар Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессиянинг кун тартибига мувофиқ, РСФСР халқ депутатлари Советларининг КПСС XXVI съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақидаги, «РСФСР суд тузилиши тўғрисида», «РСФСР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида», «РСФСР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги РСФСР Қонунлари лойиҳалари, РСФСР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси депутат М. С. Соломенцев РСФСР халқ депутатлари Советларининг КПСС XXVI съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Шундан кейин депутатлар докладни муҳокама қилишга киришдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ—АНГЛИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

6 июлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико амалий визит билан Москвага келган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги ташқи ишлар министри лорд Каррингтон билан суҳбатлашди.

Амалий руҳда ўтган суҳбатда бир қанча ҳозирги халқаро масалалар ва ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар тилга олинди. Министрлар суҳбатлари фойдали бўлди ва томонларнинг тегишли нуқтаи назарларини яхшироқ билиб олишга кўмаклашди, деб ҳисобламоқдалар ва мулоқотни давом эттириш ниятида эканликларини билдирдилар.

(ТАСС).

МИНИСТРНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико амалий визит билан Москвага келган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри лорд Каррингтон шарафига зиёфат берди.

Англия министри шу куни Москвадан жўнаб кетди.

А. А. Громико, бошқа расмий кишилар аэродромда министрни кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК ВА КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ УЧУН КУРАШДА

6 июль куни Москвада коммунистик матбуот вакилларининг халқаро учрашуви бошланди. Бу учрашувда қардош партиялар 67 матбуот органининг вакиллари қатнашмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев КПСС Марказий Комитети номидан учрашув қатнашчиларини табриклади. У ўзининг кириш нутқида ҳозирги вақтда идеологик кураш аввало уруш ва тинчлик проблемалари теварагида олиб борилаётганлигини таъкидлади. У Америка империализми, НАТОнинг ядро уруши хавфини кучайтиришга олиб бораётган жаҳон миқёсидаги агрессив стратегиясининг асосий йўналишларини таърифлаб, айни вақтда қайдагиларни уқтириб ўтди: жаҳоннинг қуролланиш пойгаси янги даврасига, ҳарбий муҳолифликка ўтишига йўл қўймаслик учун имконият бор. Бу имкониятни рўёбга чиқариш учун ишчилар ҳаракати, коммунистик ҳаракат, барча тинчликсевар кучларнинг кураши жуда катта аҳамиятга эгадир. СССР КПСС XXVI съездида қабул қилинган 80-йиллар тинчлик программасини амалга ошириш учун жуда кўп иш қилмоқда. Л. И. Брежневнинг съезддан кейинги даврда сўзлаган нутқларида съездда илгари сурилган таклифлар конкретлаштирилди ва халқаро кескинликни юмшатиш, қурол-яроғларни қисқартиришга эришиш, халқларнинг мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун барча низоли масалалар юзасидан музокаралар бошлаш программани амалга оширишга республика ёшлари қўшаётган талайгина ҳиссани таъкидлаб ўтди. Г. Танев қизғин, самимий қабул учун миннатдорчилик билдирди. Тошкентда бўлишдан, Ўзбекистон меҳнаткашлари ва ёшлари билан учрашувлардан олган таассуротларини гапириб берди.

Болгар ва совет халқлари, иккала мамлакат ёшлари ўртасидаги қардошларча анъанавий дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик тинчлик ҳамда порлоқ коммунистик идеаллар тантанаси манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муттасил ривожланаверади, деб қатъий ишонч изҳор қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири Н. Н. Шчелоков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШ БОЛГАРИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистонга келган Димитровчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Георги Таневни 7 июль куни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ш. Р. Рашидов республиканинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида, бу муваффақиятлар КПССнинг ленинча миллий сиёсати амалга оширилганлиги, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги туфайли эришилганлиги тўғрисида, партия ташкилоти КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини рўёбга чиқариш соҳасида бажараётган катта ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Ш. Р. Рашидов ўн биринчи беш йилликка белгиланган иқтисодий ва социал

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Астма хасталиги бор бемор нафас сиқилишидан озор чекканда қандай муолажа қилиши, бу дарднинг олдини олиш учун эса нима қилиши керак?

Маҳаммад ҲАЛИЛОВ,
Курск область, Курчатов посёлкаси.

Оқшомхоннинг илтимосига биноан медицина фанлари кандидати Носир Қосимовнинг қуйидаги мақоласини тайёрладик.

• *Газетхон илтимоси*

АСТМА ҲУРУЖИ ТУТГАНДА

Астма хасталиги ҳеч қандай аломатсиз, кечаси бирдан ҳуруж қилади. Бунда бемор нафас етишмаётгандек, худди бўғилаётгандек бўлади, дераза олдига келади ёки очиқ ҳавога чиқиб нафас олади. Шундагина ўзини енгил ҳис қилаётгандек бўлади. Баъзан ҳуруж вақтида бемор нафас олишни енгиллаштириш учун каравот қирраси ёки креслога асматиклар учун хос бўлган ҳолатда ўтиради: қўллари билан тизза ёки кресло тутқичига тиралиб, елкани қимирлатмаслик имконига эга бўлади, шунинг ёрдамида нафас мушакларидан фойдаланади.

Беморнинг ташқи кўриниши унинг изтироб чекаётганини ифодалайди. Нафас олиш секинлашган — минутига саккиз-ўн икки марта бўлади. Бемор қисқа-қисқа нафас олади. Нафас бўлиниб-бўлиниб туради ва бемор худди ҳавони ютиб-ютиб тутаётгандек туюлади. Нафасни қийналиб, чўзиб чиқаради. Ҳуштак овозини эслатувчи хириллаш узоқдан эшитилади. Ҳуруж узоқ давом этганда юз керкиб кетади, тер босади, кўкаради, қўл-оёқлар музлайди. Ҳуруж вақтида тана ҳарорати ўзгармайди. Камдан-кам ҳолларда ўттиз саккиз даражагача кўтарилади. Тана ҳарорати кўтарилганда беморнинг аҳволи аста-секин яхшилана боради, бўғилиш ҳуружи тугайди. Ҳуруж тугагандан кейин ҳарорат нормага қайтади.

Касалликнинг олдини олиш ва даволаш учун ҳуруж вақтида беморни ўтказиб, кўкракни қисувчи кийимлардан бўшатилади. Бемор ётган хонанинг ҳавоси эҳтиётлик билан тозаланади. Баъзи вақтларда беморга банка ва горчичниклар қўйилади, шунингдек иссиқ ёки горчичникли оёқ-қўл ванналари буюрилади. Ҳуруж вақтида фақат врач кўрсатмаси билан бронх йўлларини кенгайтирувчи ва адашган нерв қўзғалувчанлигини пасайтирувчи дорилар буюрилади. Беморнинг ҳужумига қандайдир модалар сабабчи бўлса, бундан уни фориғ қилиш керак. Бемор ётган хонада ёт ҳидлар бўлмасин, хона тез-тез шамоллатиб турилсин.

Организмнинг ғоят сезувчанлигини сусайтиришда физиотерапевтик усуллар яхши натижа беради. Астманинг олдини олишда қуйидаги фойдали маслаҳатларга эътибор берилса, бу дарддан батамом қутулиш мумкин.

Кишининг касби-кори оқибатида астма юз берган бўлса, ҳунарни, иш шароитини ўзгартириш, истиқомат жойини ўзгартириш, нафас йўллари касаллигини даволаш керак.

Ҳозирги замон медицинаси астма касали ҳужумини даф этадиган дори-дармонларга эга. Бемор ҳеч вақт ўз-ўзини даволаши керак эмас. Лекин баъзи тадбирларни кўрниши мумкин. Баданни совуққа чиниқтириш учун эрталаб гимнастика қилиш, сочиқни совуқ сувга ҳўллаб, танани артиш фойдалидир. Бронхиал астма касаллиги билан хасталанган бемор махсус нафас гимнастикасини бажариши мумкин. Бу усул жуда муҳим бўлиб, нафас қисилишининг олдини олади. Бунда бурун орқали калта-калта нафас олиниб, кейин оғиз орқали кучли, узун нафас чиқарилади. Шундай гимнастика ҳар куни иккиуч мартадан ўн минут давомида бажарилади.

Кўпинча беморлар астма касаллигида қандай овқат истеъмол қилиш кераклигини сўрайдилар. Бу касалликда парҳез тутилмайди. Фақат овқат таркибида ҳужумга сабаб бўлувчи бирон ҳид, таъм сезилса, уни истеъмол қилмаслик керак.

Бронхиал астма касаллигига чалинган кишилар учун қуруқ, илиқ, соф ҳавода бўлиш, ўз вақтида овқатланиш, кўнгилли дам олишлар хасталикнинг олдини олишда ёрдам беради. Бемор врач билан бамаслаҳат иш тутгандагина астма касаллигини тез даволаши, олдини олиши мумкин.

Н. ҚОСИМОВ,
медицина фанлари кандидати.



Шаҳримиздаги 1-дорихона коллективи пойтахтимиз аҳолиси учун ҳар куни жуда кўплаб турли-туман дори-дармонлар ва медицина препаратларини тайёрлаб беради.

СУРАТДА: дорихонанинг пешқадам провизор-технологи Муқаддас Маннонова иш устида.

И. Глуберзон фотоси.

• *Шифокор маслаҳати*

ҚАБЗИЯТНИ ДАВОЛАСА БЎЛАДИ

Мен қабзият билан оғридим. Шу касаллик ва уни даволаш йўллари ҳақида мутахассис маслаҳатини берсангиз.

М. ПАРПИЕВ,
ишчи.

Сурункали колит деганда ичак деворининг яллиғланиши, унинг физиологик функциясининг бузилиши ва бунинг натижасида бутун организмнинг таъсирланиши тушунилади. Бунда йўғон ичакда чириш ва ачиш процессларининг мувозанати бузилади, чириш ва ачиш процессларининг тезлашиши туфайли ичакда заҳарли моддаларнинг (фенол, индол, аммиак ва бошқалар) миқдори ошади, у қонга кўпроқ сўрилиб, бутун организмга тарқалади. Бу ҳолатда беморда қуйидаги белгилар пайдо бўлади: касалнинг меҳнат қобилияти пасаяди, эшитиши сусаяди, боши оғрийди, уйқуси бузилади, оёқ-қўлларни музлаб, сержаҳл бўлиб қолади. Ҳотираси пасаяди, кўнгли айниб, қусиши ҳам мумкин. Оёқ ва қўл титраши ёки томир тортишиш ҳоллари юз бериши мумкин. Бундай ҳолатни организмнинг заҳарланиши дейилади.

Организмнинг заҳарланиши 60—70 процент сурункали колит касалликларида учраши кузатилган. Бунинг сабаблари колит касалликларида кўпроқ қабзиятнинг зўрайишидан, касалликни вақтида даволамасликдан ёки нотўғри даволашдан, дала-тарпиз) ҳар хил дориларни қўллаш натижасида чириш ва ачиш туфайли ҳосил бўладиган заҳарли моддаларнинг ортишидан, жигар фаолиятининг сусайиши ва ҳоказолардандир.

Маълумки, сурункали колитга чалинган беморларда йўғон ичак деворининг яллиғланиши туфайли, айниқса чириш моддаларининг ичакда кўпроқ ҳосил бўлиб қонга сўрилиши натижасида, узоқ вақт даволамаслик оқибатида бошқа органларнинг ҳам функцияси бузилади ва касалликнинг кечиши бир мунча оғирлашади. Асосан ошқозон, ошқозон ости бези, ўт пуфаги, жигар, буйрак, юрак, асаб системасининг функцияси бузилади. Руҳий фаолиятнинг ўзгариши кузатилган.

Касалликни текшириш усуллари қуйидагича бўлади. Аввало албатта касалликнинг келиб чиқиш тарихи билан батафсил танишиш, сабабларини аниқлаш ва керакли анализлар қилиш керак. Сурункали колит касалини даволашда комплекс метод қўлланилади. Бу дардга чалинган беморлар парҳезга қатъий эътибор беришлари зарур. Колитларнинг ҳамма формаси учун овқат сифатли маҳсулотлардан тайёрланган бўлиши ва технологик процессга амал қилиб пиширилиши керак. Ўн беш даража ҳароратдан паст бўлган суюқ овқатлар ёки ичимликлар (сув, шарбат ва бошқалар) ичак деворларида таъсирланиш ўтказиб, касалликни зўрайтириб юбориши кузатилган. Беморнинг ичи суюқ кетаётган бўлса, сабзавот ва кўкатлар истеъмол қилмайди. Анор ва жийда ейиши тавсия этилади.

Қабзият зўрайганда сабзи, карам, картошка, ковоқ ва бошқалар пиширилиб илиқ ҳолда истеъмол қилиниши керак. Қиш фаслларида туршак ва бошқа қоқиларни қайнатиб, фақат донини ёки қуюқ қисмини истеъмол қилиш керак.

Спазмга қарши таркибида белладон, папаверин, люминал, пирамидон бўлган дорилар фақат врач тавсияси билан берилади.

Даволашда заҳарланишга қарши суюқликларнинг роли катта. Шунингдек даволашга ёг, фурацилин, крахмал ва бошқа даво хўқна (клизма)лари фойдалидир. Шуни унутмаслик керакки, қабзият зўрайганда сурги, тозалаш хўқнаси касалликни зўрайтириб юбориши мумкин.

Физиотерапия усули даволашда жуда кўп фойда келтиради. Тоза ҳавода сайр қилиш, даволаш бадан тарбияси ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Агар бошқа органларда ўзгариш кузатилган бўлса, қўшимча дори-дармонлар ишлатилади. Бемор поликлиникада, касалхонада ёки санаторийда даволаниб, врач назоратида бўлса, албатта тузалиб кетади, меҳнат қобилияти тўла тикланади.

Касалликни даволашда бемор врачнинг ҳамма кўрсатмаларига тўғри ва қатъий амал қилиши керак.

Ш. ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли республика клиник шифохонасининг ошқозон-ичак касалликлари бўлими мудири, медицина фанлари кандидати.

Фан оламида

ДУАНА—КЎЧМАНЧИЛАР ТАРИХИНИНГ КАЛИТИ

Археологлар Устюрт платосида топган улкан қабр бундан ўн икки аср аввал яшаган қадимги кўчманчи қабилалар — сарматлар билан аллонлар тарихи тўғрисида «ҳикоя» бошлади.

— Орол денгизи ғарбий соҳилининг дуна буғиндаги қабр ноёбдир, — деди тарих фанлари кандидати В. Н. Ягодин. — Ҳозирга қадар ўтроқ деҳқонларнинг шундай ёдгорликлари борлиги маълум эди. Орол соҳили шу қисмидаги қуруқ иқлимли табиати туфайли бу ёдгорлик сақланиб қолган. Лекин уни топиш осон бўлмади. — Устюртнинг қизғиш оҳак тошидан ясалган қабр самолётда олинган суратларда сезилмайди. Едгорликни ўргашиш бир ярим минг километргача олис масофаларни босиб ўтувчи кўчманчи қабилалар тарихида етишмаётган бўғинларни топишга имкон беради. Улар ёзда чорваларини Урал тоғининг жанубий этакларида боққанлар, қишда эса уни Устюрт платосига ҳайдаб келганлар.

Территориясида мингтадан кўп археологик объектлар қайд этилган даҳмани дастлабки қазиш аллонлар билан сарматлар ниҳоятда серуруғ бўлган дейишга имкон беради. Бир тўда мақбаралар ёнида уруғ хилхоналари ҳам бор. Сопол идишлар, қурол синиқлари, кўчманчиларга хос майда нақшли — мис тўқалар, мунчоқлар топилди. Энг биринчи дафн эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади.

(ЎзТАГ).

ЗИЛЗИЛАНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ

ФРУНЗЕ. Қирғизистон олимлари зилзила даракчиларини геохимик пайқаш методидан фойдалана бошладилар Тянь Шандаги Иссиқота курорти районидаги қудуқларнинг бирида мамлакатда биринчи «прогноз» автомат прибор комплекси ишлай бошлади. Уни СССР Фанлар академиясининг В. И. Вернадский номли геохимия ва аналитик химия институтининг мутахассислари ишлаб чиққанлар.

Электрон аппарат ер бағридан чиқувчи иссиқ минерал сувнинг газ состави, ҳарорати ва босимини кечаю-кундуз бетўхтов анализ қилиб боради. Бу маълумотлар ер пўстлоғида рўй берувчи жараёнларни анча аниқ тасаввур этишга имкон беради, ер ости силкинишларининг яқинлашиб келаётганлиги тўғрисида ахборот беради.

ЧАНГДАН ҒИШТЛАР

Цемент корхоналари саноат чиқитисиз ишлай олади. Арманистон ССР Фанлар академияси умумий ва ноорганик химия институтининг олимлари электрофильтрлар ушайдиган чангдан гишт ясашда фойдаланишни таклиф қилдилар.

Цемент заводларида такомиллаштирилган фильтрловчи агрегатларнинг жорий этилиши ушлаб қолинувчи чанг миқдорини анча кўпайтирди, деди институт директори С. Караханян. — Энди шу чангни ишлатиш масаласи кўндаланг бўлмоқда. Чанг таркибида кальций оксиди борлиги ундан ғоят пишиқ силикат гишт олишда фойдаланиш мумкин деган фикрга келтирди. Шу билан бирга уни ишлаб чиқариш технологияси соддалашади. Биз оҳак ўрнига цемент чангини олдик, тўлдирувчи модда сифатида анъанавий кварц қуми ўрнида туйилган вулкан туфидан озгина қўшдик. Арарат цемент — шифер комбинатининг мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган янги технология цемент заводларини қатъий экологик интизом доирасига олишда ҳамда арзон бинокорлик материали ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ёрдам беради.

(ТАСС).

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН

Эл ҳизматида



— Абдусаломни сўраяпсизми? Ҳув анави болохонали уй ўшаларники. Умридан барака топсин, ҳўп яхши одам-да. Эллик тўрт йилдан бери шу «Қўрғонтеги» маҳаллами зга раис. Мен ҳам шу маҳаллада ўсганман. Уйим бузилиб, яқинда кўчиб кетдим. Бир ўртоғимдан хабар олай деб келаётган эдим, қани юринг, бирга бора қолайлик.

Кейинчалик биз бу отахоннинг исмлари Йўлдош ака эканлигини, фамилиялари Тошқориевлигини билиб олдик. У киши босмахонада узлуксиз ишлаб, ҳозир шахсий пенсияда экан.

— Мана ўзингиз кўриб турибсиз, бу ердаги хонадонларнинг учдан бириям қолгани йўқ, ҳадемай анави пионерлар саройи атрофидаги эски уйлар бузилиб янги осмонўпар бинолар қурилар экан. Мен сизга айтсам, олдин бу маҳаллада мингга яқин аҳоли яшарди. Эсимда танибманки, Абдусалом ака шу маҳаллага раислик қилиб келади. Ҳа, ҳа, шунақа ўғлим, 1926 йилдан бери. Ундаги одамийлик, катта-кичикка тўғри маслаҳат бериб, маросимларда ҳаммага бош-қош бўладиган бундай инсон кам топилади. Ҳозир маҳаллада ўттизта хонадон қолди. Бу ўртоғимиз ана шу уйларда яшаётганларнинг ҳаммаси уй-жой билан таъминланганидан кейин охири кўчиб кетмоқчи. Ҳа, ана шунақа сергайрат қариялардан.

Мен сизга айтсам, дўстимнинг оталари мулла Ҳасан Шермуҳаммедов ҳам ўқитувчилик қилганлар. Ўртогимга ўқитувчилик ота касб. У 1919 йилда Чақардаги 33, 34-мактабларда ўқитувчиликни бошлади. Шундан кейин бир оз вақт ўтар-ўтмас Хоразмга ишга юборишди. Тошкентдан юборилган бир қанча зиёлилар билан биргa Абдусалом ака қалб даъвати билан ана шу ўлкага келиб, Хоразм халқи ўртасида саводсизликни тугатишда актив иштирок этди. Биласизми, бу ўртогим совет мактабининг биринчи ўқитувчиларидан ҳисобланади. Қирқ йилдан ортиқ ана шу касбда меҳнат қилди. Нимасини айтасиз, НЭП — янги иқтисодий сиёсат даврида ўзбек халқи ўртасида саводсизлик ва чала саводликни тугатишда актив иш олиб борди. Эсимда бор, районимизнинг «Эркин», «Инқилоб», «Қўрғонтеги» каби маҳаллаларида саводсизлик ва чала саводликни тугатиш бўйича курслар очилди. Ана шу курсларда Абдусалом Ҳасанов ўзи дарс берди. Зиёли киши, маҳалла отахони сифатида ўзбек хотин-қизларининг озодликка чиқишида, паранжи ташлаб, уларнинг янги ҳаётга қадам қўйиб, фойдали меҳнат ва жамоатчилик ҳаётида иштирок этишларига шарт-шароит яратиб берди.

Ҳамиша инсонлар хизматида бўладиган дўстим Абдусалом ака нинг ибратли ҳаёти ҳақида жуда кўплаб гапириш мумкин. Мана ҳозир дўстим саксон ёшга кирди. У бутун ҳаёти мобайнида юргган йўлида, кишилар билан мулоқотда яхшилик уруғини сочиб келди. Халқимиз ўртасида зиё тарқатди. Шунинг учун ҳам Абдусалом отанинг жуда кўплаб ёр-дўстлари, биродарлари, шогирдлари бор.

— Отахонинг нечта фарзандлари бор?

— Тўрт қизлари ўғил — Раънохон, Дилором, Дилбар исмли қизлари олий маълумотли. Дилдора эса чеварлик касбини эгаллаган. Ана, Абдусаломнинг уйларига ҳам етиб келдик.

Ҳамроҳим билан ичкарига қирар эканмиз, бизни ўрта бўйли, кўзойнак таққан, истараси иссиқ киши қарши олди.

— Не, Йўлдошхон ака бормисиз, қалай, янги уйда яшашга ўрганиб қолдингизми? Қани, ичкарига марҳамат!

Уйга кирдик. Икки ўртоқ ёшлик йилларини эслаб сухбатлашишди. Ҳа, Йўлдошхон ака айтганидек Абдусалом ака Ҳасанов ҳамиша эл ғамида бўлиб, улар учун сидқидилдан хизмат қилган маҳалла комитети раиси экан.

Ҳамиша инсонлар хизматида бўлиб, уларга доимо яхшилик қиладиган ана шундай одамлар бор бўлишсин.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ИСАҲОНОВ, М. ҚОБУЛОВ: Бизларни комиссион магазинлар томонидан ашёларни қабул қилиш ва сотиш қоидалари, шунингдек комиссион магазин томонидан қабул қилинган ашёнинг сотилиш баҳоси қандай белгланиши тўғрисидаги масала қизиқтиради. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Комиссион магазинлар граждан-лар ва ташкилотларга қарашли буюмларни сотиш учун қабул қилиш ва сотиш тартиби Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги томонидан 1968 йил 12 августда тасдиқланган Қоидалар билан белгиланади.

Давлат комиссион магазинларига оид Қоидалар матлубот кооперацияси ташкилотларига қарашли комиссион магазинларига ҳам жорий қилинади.

Агар комиссион асосларда сотиш учун қабул қилинадиган товарларга давлат томонидан белгиланган чакана нархлар бўлмаса, бундай товарлар комиссион магазин директорининг комитент билан келишуви бўйича шу товарларга ўхшаш товарларга белгиланган прейскурант нархларида сотиш учун қабул қилинади.

СССР Савдо министрлигининг 1968 йил 12 августда тасдиқланган комиссион магазинларда савдо қилиш Қоидаларининг II-бандида кўрсатилишича антиқа нарсаларнинг, санъат асарлари, қадимги мебель, музика асбоблари ва алоҳида юқори қийматга эга бўлган нарсаларнинг нархлари ашёларни баҳоловчи мутахассислар иштирокида белгиланиши мумкин.

Комиссион магазинда қабул қилинган ашёнинг сотилиш муддати 45 кун белгиланади. Агар шу муддат давомида нарса сотилмаса, унинг баҳоси комитент билан келишилиб, 15 процентга камайтирилади. Агар ашё шунда ҳам сотилмаса, бир ойдан сўнг ашёнинг баҳоси яна 20 процентга камайтирилиши мумкин. Ашё нархининг келгусида янада камайтирилиши шартлари ва тартиби СССР Савдо министрлигининг 1968 йил 12 августда тасдиқланган комиссион магазинларда савдо қилиш Қоидаларининг 22—23-бандлари билан белгиланади.

* * *

Т. ЖАМОЛОВ: Автобус паркида ишлайман. Шу боисдан мени бир масала қизиқтиради: айтингчи, агар шофер бирор ускунани йўқотиб қўйса, унга қандай чора кўрилиши мумкин?

Жавоб: Асбоб-ускунани қасддан йўқотган ёки яроқсиз қилиб қўйган шофер шу ускунанинг беш ҳиссa кўп ҳақини тўлаши шарт! Маъмурият конкрет аҳволни таҳлил этгандагина бунинг қасддан қилинмаганини аниқласа, шу ускунанинг бир ҳиссадан то беш ҳиссагача ҳақи ундириб олиниши мумкин. Бу асбоб-ускунанинг қандай ҳолда эканлигига ҳам боғлиқ. Бу жарима маъмурият буйруғи билан ҳар ойда 20 процент миқдорида ундириб олинади. Борди-ю, шофер корхона маъмуриятининг буйруғини асоссиз деб билса, бундай ҳолларда у судга мурожаат қилиши мумкин.

* * *

Н. УМИДОВА: Менга бузилиб қолган рўзғор дазмоллари ва электр плиталарини қаерда тузаттириш мумкинлиги ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Жавоб: Шаҳримиздаги деярли ҳамма бозорларнинг территориясида шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли «Металлобитремонт» комбинатининг устахоналари бор. Ана шу устахоналарда ҳар хил ремонт ишлари бажарилади. Жумладан, уй-рўзғорда ишлатиладиган дазмоллар, электр плиталари ҳам бу ерда ремонт қилиб берилади.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ.. ОВҚАТ АЛЛЕРГИЯСИ НИМА?

Овқат аллергияси қандай пайдо бўлади? Унинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Ш. ШЕРМАТОВА,
биноқор.

Баъзи одамлар организми сут ва сут маҳсулотларини, ҳўл мевалар, тухум, шоколад, помидор, балиқ, редиска, картошка ва бошқа маҳсулотларни кўтара олмайди, ана шунда аллергик реакция пайдо бўлади.

Овқат аллергиясининг механизми тўла аниқланмаган. Вироқ кўпчилик одимлар, аллергик реакция ейилган овқатдаги оқсил тўла парчаланмаганда (бу эса тегишли ҳазм ферментларининг етишмаслигига олиб келади) ҳосил бўладиган моддаларнинг организмга таъсир қилишига боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Аллергияга меъда шиллиқ қавати ўтказувчанлигининг ортиши ҳам сабаб бўлади; натижада меъда шиллиқ қаватидан тўла парчаланмаган оқсил маҳсулотлари ўтади.

Овқат аллергияси кўпинча меъда-ичак йўли органларининг сурункали касалликлари билан, аввало аноцид (меъда ширасининг кислоталилиги камайиб кетган) гастрит билан оғриётганларда рўй беради, уларда меъда ширасининг ҳазм қилиш қобилияти пасайиб кетган бўлади.

Аллергик реакция овқат еб бўлган заҳоти ёки овқатланғандан бир неча соат, ҳатто бир неча кун ўтгач, кўпинча кечқурун, кечаси ёки эрта наҳорда пайдо бўлади.

Қайси маҳсулот аллергия эканини аниқлаш осон эмас. Аллергологлар озиқ маҳсулотларининг экстрактлари билан терига синама қўядилар (бу моддалар тери ичига юборилади). Диагноз қўйиш мақсадида беморга эрталаб наҳорга тахмин қилинаётган аллергендан озроқ ейиш (масалан, тухум ейиш ёки ярим стакан сут ичиш) буюрилади.

Аллергия пайдо қилаётган маҳсулотни аниқлаш жуда муҳим. Ана шунда бемор бу маҳсулотни емай қўяди ёки бошқача усулда пиширib ейди ва шу билан унинг аҳволи яхшиланади. Бошқа йўли ҳам бор: бемор махсус схема бўйича ва врач назоратида аллерген маҳсулотдан маълум миқдорда, дастлаб озгинадан еб туради. Орадан бир мунча вақт ўтгач, организм бу маҳсулотга ўрганади ва аллергия пайдо қилмайдиган бўлади.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.



Шаҳримиздаги 6-ихтисослашган болалар шифохонаси коллективи ёш авлод соғлиғини сақлаш борасида жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилаяпти. Болалардаги юрак ва ревматизм касалликлари устида комплекс даволаш тадбирларини амалга ошираётган бу касалхона Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг илмий-тажриба базаси ҳам ҳисобланади.

СУРАТЛАРДА: касалхона бўлим мудири, олий категорияли врач, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси З. А. Гончаренко ва бош врач, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси Ш. Рустамов ўртоқлар касаллик тарихини ўрганиш жараёнида;

Бош ревматолог Е. Д. Жарковская, бош ҳамшира Р. Е. Поликарпова ва ҳамшира З. Сайфуллина бемор соғлигини кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов
фотолари.

НАМУНАЛИ ТАРТИБ

Ралф ВИЙНЕР.

(ҲАЖВИЯ)

— Афсус, — деди вокзалнинг серилтифот сартароши ачиниб, — аммо кечирасиз, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Ёзма буйруққа кўра мен фақат қўлида билети бор йўловчиларнингина соч-соқолини олишим керак.

— Салонингиз бўм-бўшку, — дедим мен ҳам илтифот билан. Эҳтимол бир марта қоидадан четга чиқарсиз, агар иложи бўлса.

Сартарош пиҳагини ҳам бузмади. Бироздан кейин деди:

— Ҳозир тунги пайт, қондага қатъий амал қилиш керак. Бизда фақат билети бор йўловчиларгина соч-соқол олдиришлари мумкин. У тескари ўгирилиб олди.

— Илтимос, менга бир билет берсангиз,— дедим мен билет сотиладиган касса туйнугидан қараб турган ёшгина жувонга юзланиб.

— Қаерга бормоқчисиз? — сўради у.

— Менга барибир, қаергача бўлса ҳам бераверинг.

Тапим унинг гашига тегди шекилли, кескин овоз билан деди:

— Ҳазилни бас қилсангиз-чи!

— Мен ҳеч ҳам ҳазил қилаётганим йўқ, дедим мен уни тинчлантириш мақсадида,— ҳар ҳолда менга келгуси станциягача битта билет беринг. Шунинг ўзи етарли бўлса керак.

— Хўш, қайси станциями назарда тутяпсиз?

— Хоним, ахир мен сизга айтдим-ку, бунинг менга заррача аҳамияти йўқ.

Энди жувоннинг чиндан ҳам жаҳли чиқиб кетди.

— Ахир, сиз қаерга бораётганингизни билишингиз керакми, йўқми?

— Аслида мен ҳеч қаерга жўнаб кетмоқчи эмасман.

Ғазабдан унинг юзлари қизариб кетди.

— Агар сиз ҳеч ёққа бормасангиз, унда билетнинг нима ҳожати бор?

— Мен фақат соч-соқолимни олдирмоқчиман, холос.

Ногаҳон бир нарса қарс этди. Туйнукнинг эшикчаси ёпилган экан.

— Ўтиниб илтимос қиламан, хоним, — дедим мен эшикчани тақиллата туриб,—яна бир бор илтимос, менга битта билет сотинг.

Жувон энди тушунганга ўхшарди. Ў бир билетни олиб менга узатар экан, шундай деди:

— Мана сизга Ребниц станциясигача билет, баҳоси 60 пфенниг.

— Марҳамат, — дедим мен вокзал сартарошининг ёнига келиб ва унга билетимни кўрсатдим.

— Энди эса, марҳамат қилиб менинг соч-соқолимни олиб қўйинг!

Сартарошни эса алдаб бўлмасди.

— Сиз ахир ҳеч ёққа кетмайсиз-ку,—деди у сиполик билан.

— Аммо менинг қўлимда Ребницга кетиш учун билет бор-ку, — эътироз билдирдим.

— Кечирасиз, сиз агар фақатгина соқол олдириш учун билет сотиб олган бўлсангиз, бунинг менга ҳеч ҳам аҳамияти йўқ, — деди у соқолимни қириб қўйишдан бўйин товлаб.

— Айтингчи, мен мана шу билетим билан Ребницгача бора оламанми, йўқми? Бора оламан, бундан чиқдики, мен ўша сиз айтган йўловчилардан бири экаман-да.

— Аммо сиз ҳеч ёққа жўнамайсиз, — деди у совуққонлик билан. — Мен учун сиз қўлида билети бўлса ҳам, ҳеч ёққа кетмайдиган сайёҳсиз, марҳамат қилиб салонни бўшатинг!

— Хоним, — дедим мен яна билет сотиладиган касса ёнига қайтиб келиб, билетингизни ишлата олмадим, энди уни қайтиб олсангиз.

— Бунинг иложи йўқ, — деди у ва елкаларини қисиб қўйди.

— Нега ахир иложи бўлмас экан, мен ахир жўнаб кетмадим-ку. Бу ўзингизга ҳам ойдек равшан.

— Агар сиз бу билетни бирон ёққа бориш мақсадида олган бўлсангиз эди, пулингизни қайтариб берган бўлардим. Сиз уни сотиб олаётганда менга нима учун билет олаётганингизни аниқ ва равшан тушунтириб бердингиз-ку. Мен сизга пулни қайтариб бера олмайман.

— Билетга тўлаган пулимни сиз қайтариб берасиз! — талаб қилдим мен вокзалнинг серилтифот сартарошидан.

— Бир минут сабр қилинг, — деди у ва аллақаерларга қўнғироқ қила бошлади, кейин эса менга юзланиб деди:

— Ҳаммаси жойида, жаноб. Сизнинг соч-соқолингиз олинадиган бўлди.

— Хайрият-эй, — дедим мен енгил тортиб ва бориб креслога ўтирдим.

— Ўрнингиздан туринг! — буюрди сартарош.— Ҳозироқ Ребницга жўнанг. Соч-соқолингизни ўша ерда олдиришингиз мумкин экан.

Немис тилидан
И. ПАРДАЕВ
таржимаси.

Редактор
Ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

3 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

8 ИЮЛЬ, 1981 й.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси Сизга касб танлашда, ҳунар-техника билим юртларида қандай ҳунар ўрганиш мумкинлиги, қабул қоидалари, ўқувчиларга бериладиган имтиёзлар, ўқиш муддатлари ҳақида тўлиқ маълумотлар беради.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ —Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Хасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИНГ ЮКСАК МАДАНИЯТИ УЧУН!

Шу кунларда Ўзбекистон пойтахтида ўтказилаётган аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданнятн икки ойлигининг шиори ана шундай.

Ойлик Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг ташаббуси билан ташкил этилди.

Икки ойликни ўтказишдан мақсад: Тошкент шаҳар аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш, Совет савдоси қоидасини бузишликнинг олдини олиш. Тошкентни намунали, коммунистик шаҳарга айлантириш учун ҳаракатда тошкентликлар куч-ғайратини бирлаштириш, аҳолига юксак маданиятли савдо хизмати кўрсатиш кундалик одатга айланишига эришишдан иборат!.



ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

СИЗЛАРДАН АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИККИ ОЙЛИГИДА АКТИВ ҚАТНАШИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ. ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ АНКЕТА САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ:

магазин иш режимининг бузилиш фактлари _____

_____

_____

— етарли ассортиментдаги товарнинг савдога қўйилмаслиги фактлари _____

_____

— Сизга қандай қўшимча хизмат кўрсатишларини истар эдингиз _____

_____

— харид учун сарфлаган вақтингиз. Хизмат кўрсатиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам берувчи таклифингиз _____

_____

— хизмат кўрсатиш даражаси пастлиги тўғрисидаги мулоҳазаларингиз _____

— таклиф ва шикоятлар дафтаридан фойдаланиш қоидасининг бузилиш фактлари _____

_____

— магазинда товарлар билан савдо қилиш қоидасининг бузилиш фактлари _____

_____

— савдо залидаги ходимлар шахсий гигиена даражасининг пастлиги фактлари _____

_____

—магазинларнинг санитария ҳолати қониқарсиз аҳволда эканлиги фактлари _____

_____

— савдо залини планлаштириш ва деворларга осиб қўйилган маълумотлар Сизни қониқтирадими _____

_____

СИЗНИНГ ФАКТ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ САВДО ХИЗМАТИ МАДАНИЯТИНИ БЕЛГИЛАШДА ВА ОШИРИШДА БИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Тўлдирилган анкеталарни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Пролетар кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

КИНО

8 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — **Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Москва, Нукус, Қозоғистон.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (1—2-сонлар) — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУМАНДА ЭШИТИЛГАН ИККИ ГУДОК» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«БУГДАЙ ВИСЛАГАЧА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — **Искра** (17.20 да, телефон 39-14-59).

«ТАРСАКИ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

9 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — **Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Москва, Нукус, Қозоғистон.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (1—2-сонлар) — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ЮЛДУЗЛАР САРИ БИРГАЛИКДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУМАНДА ЭШИТИЛГАН ИККИ ГУДОК» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«БУГДАЙ ВИСЛАГАЧА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — **Искра** (17.20 да, телефон 39-14-59).

«ТАРСАКИ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«УЗБИТХИМПЛАСТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ТОШКЕНТ СИНТЕТИК ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ ЗАВОДИГА

созловчилар, печатниклар, ускуналарга хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича слесарлар, электр ускуналарини ремонт қилувчи слесарь-электриклар, юкчилар, (меҳнат ҳақи ишбай ва 40 процент мукофот берилади);

сотиш бўлими бошлиғи, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи, план бўлими бошлиғи, печать бўлими бошлиғи, бош бухгалтер ўринбосари, моддий-техника таъминоти бўлими бошлиғи

КЕРАК

Бўлим бошлиқларига ойлик иш ҳақига қўшимча 15 процент коэффициент белгиланган.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5 хона.

Титов номли спорт профилидаги республика умумий таълим мактаб-интернати томонидан **Сейтимбетов Рўзмамат Сандабдуллаевич** номига берилган 084994 номерли йўлкалн

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Киров районидаги 143-мактаб томонидан **Усмонова Гулнора Акрамовна** номига берилган 678229 номерли йўлкалн

САККИЗИНЧИ СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ГДР Давлат цирки

«БУШ—81»

ГАСТРОЛЛАРИ



ПРОГРАММАДА:

«ШАРДАГИ ФИЛЛАР», «ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР», «МОҲИР МУШКЕТЕРЛАР» АТТРАКЦИОНЛАРИНИНГ ПАРАДИ; от минган айиқ оригинал номери; ҳар хил жанрдаги номерлар: комик акробатлар, ҳаво гимнастлари, акробат-каскадёрлар, нарвондаги эквилибристлар; «Велосипед минган филча».

МАСХАРАБОЗЛАР ПЕПЕ, МИКО ВА ЖОЛЛИ ЮМОР ВА КУЛГИ УЛАШАДИЛАР.

ПРОГРАММАЛАРГА ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ ЖУР БЎЛАДИ.

ТОМОШАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар цирк кассасида соат 8.00 дан 20.00 гача ҳамда ЦУМ ва Олой бозорида жойлашган кўчма кассаларда соат 9.00 дан 17.00 гача сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Шанба ва якшанба кунги томошаларга биринчи навбатда қишлоқ районлардан тушган коллективларнинг заявкалари қондирилади.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
2-АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти авиация саноати учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, программа билан бажариладиган станокларнинг оператори, токарь-йўнувчи, токарь (токарь-револьверчи, токарь-каруселчи) —программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, слесарь-ремонтчи, фрезерчи (токарь-йўнувчи); программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматиканинг созловчиси; программа билан бошқариладиган станокларнинг созловчиси).

БИЛИМ юртига 15—25 ЕШДАГИ, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ИИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати: 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун— 3 йил. Билим юртини битирувчилар тугалланган ўрта маълумот билан бир йўла ихтисослик дипломини оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар шу соҳа бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

Уч йиллик ўқиш муддатига қабул қилинган ўқувчилар овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумотлилар эса ойига 64 сўм 70 тийин ҳажмида стипендия оладилар.

Билим юртида Тошкент шаҳридаги ана шу соҳага оид олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлов курслари ишлайди. Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида бўлганларида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар. Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Программали ускуналар билан таъминланган, янги техника воситалари билан жиҳозланган 13 та фан кабинети бор. Бокс, эркин ва классик кураш, футбол, волейбол, эшкак эшиш спорт секциялари ишлайди. Бадиий ҳаваскорлик, вокаль-чолғу ансамбллари, авиамоделизм тўгараклари бор.

Билим юртини битирганлар Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти, шунингдек бошқа олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларига имтиёзли шароитда киришлари мумкин.

Ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин уларга В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ихтисосликлари бўйича иш берилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тошкент областидан келган ўқувчилар ётоқхоналардан жой оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: губоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида(ёки паспорт), маълумоти тўғрисида справкалар: ота-онасининг (бирортаси) иш жойидан, турар жойидан; мактабдан характеристика, таржимаи ҳоли, 8 та фотосурат (4х5 см).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиация проезди, 10-уй. Телефон 41-89-01.

С. И. КАДИШЕВ НОМИДАГИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981 — 82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, асбобсоз слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, электрмонтажчи-слесарь, токарь, фрезеровкачи, дурадгор ҳамда слесарь-сантехник-газ пайвандчи.

Ўқиш муддати — 1 — 3 йил.

УҚИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ИИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

10 синф ҳажмда маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини тамомлаганларга диплом билан бирга касблари бўйича тегишли малака берилади. Ўқувчилар ойига 65 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар:

8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати—3 йил. Улар ўқишни тамомлаганларидан сўнг ўрта маълумот олганликлари тўғрисида дипломга эга бўладилар ҳамда касблари бўйича тегишли малака берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида кунига 3 маҳал текин овқат, кийим-бош билан таъминланадилар ҳамда ишлаб чиқариш практикаси вақтида топган иш ҳақларининг бир қисмини оладилар.

Ўқиш муддати умумий стажга қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ҳамда ўрта билим юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ўқишни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда давом эттирувчилар учун бирлашма қошида политехника институтининг кечки бўлими, самолётсозлик факультети ва авиация техникуми бор.

Билим юртида спорт базаси мавжуд, волейбол, футбол, сузиш, бокс, эркин кураш, дзюдо секциялари; авиамоделизм-фотокиностудия, бадиий сўз тўгараклари; вокаль-чолғу асбоблари ансамбли, миллий чолғу асбоблар тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, 8 та фотосурат (3х4 ва4х5 см. ҳажмда).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (20, 21, 30, 8, 48, 80-автобусларнинг «Валихонов кўчаси» бекати : 6, 29-трамвайларнинг «166-ГСПТУ» бекати). Телефон 96-58-20.

СОТУВЧИ—ШАРАФЛИ КАСБ

СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗДА СИЗГА «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЁРДАМ БЕРАДИ

МАГАЗИН 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ИИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

47-мактаб-магазинида ўқувчилар назарий билим билан бир вақтда ишда зарур бўладиган амалий тажриба ҳам ўрганадилар. Ўқувчилар ўқиш даврида товаршунослик, савдо ҳисоб-китоби, совет савдосини ташкил этиш, совет ва меҳнат ҳуқуқи асосларидан лекциялар тинглайдилар.

Мактаб-магазин синфлари керакли ўқув ва кўргазмали қуроллар ҳамда савдо-технология ускуналари билан жиҳозланган.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Машғулотларни малакали ўқитувчилар ва ўқув ишлаб чиқариш усталари олиб борадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшилади.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

«Ташхозкультторг»нинг 47-мактаб-магазини маданий-рўзғор ва хўжаликда ишлатиладиган товарлар билан савдо қилувчи сотувчилар тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Сотувчилик касбини эгаллашни хоҳлаганлар мактаб-магазинга имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Сотувчилик касби қизиқарли ва кишилар учун зарур касб.

Агар Сиз сотувчилик касбини эгалламоқчи бўлсангиз

47-МАКТАБ-МАГАЗИНГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Мактаб-магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат, паспорт, турар жойидан справка, 2 та фотосурат, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса).

Ўқишни тамомлаган ҳамма ўқувчилар «Ташхозкультторг» магазинларида иш билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй. 47-мактаб магазинига 2, 3, 18, 34, 50, 54, 80-автобусларда; 4, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар; 2, 5, 13, 16-троллейбусларда «Тўқимачилик комбинати» бекатигача бориш мумкин. Телефон — 53-47-24.



«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

8 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

18.35 Монголияда Халқ революцияси галабасининг 60 йиллигига. «Монголча «Найрамдал» — «Дўстлик» демакдир». Мамлакатда содир бўлган социал-иқтисодий ўзгаришлар, совет-монгол дўстлигининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Карева қуйлайди». 19.55 «Инсон ва қонун». 20.25 «Ҳаёт чизиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Пахтакор» (Тошкент). Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари». 24.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (М). «Динамо» стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Генерал Топтигин». Кўғирчоқ фильм. 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.05 «Бутун партиянинг иши». ТИИМСХ коллективида голвий-сиёсий ва меҳнат тарбияси комплекс ёндошиш тажрибаси тўғрисида. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Л. Зорин. «Баҳс». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Узбек Давлат филармонияси «Лазги» ансамбли солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Партком секретари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 23.10 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Менга мактуб ёз». 18.55 Абитуриентлар учун. «Она тили». 19.30 «Келажак билан учрашув». Телефильм (рус.). 20.20 «Калинин райони чорвадорлари ҳузурида». 20.50 Реклама. 21.10 «Борис Бабочкин». Фильм-портрет (рус.).

9 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Ҳаёт чизиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.10 «Қўшиқ инсон билан қоладн». 11.55 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 12.25 Янгиликлар. 13.00 Янгиликлар. 13.20 «Меҳнатинг — инбодинг». Кинопрограмма. 16.05 Халқаро конкурслар лауреати А. Корсаков чалади. 16.20 Н. Некрасов. «Рус аёллари». 16.50 «Заборьеда ёз». Телевизион бадиий фильм премьераси. 17.55 «Маиший хизмат — ҳамманинг иши». 18.25 Монголияда Халқ революцияси галабасининг 60 йиллигига. «Экран дўстларни чорлайди». СССР — МХР. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР Давлат академик халқ рақс ансамбли ижро этади. 19.55 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 20.25 «Ҳаёт чизиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти Ю. Гуляев ҳамда Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғулари академик оркестри ижросида концерт. 23.15 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 Енгил атлетикачилар мавсумнинг асосий старти олдидан. Братиславадан олиб кўрсатилади. 21.00 «Халқ оҳанглари». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Уч огайни». 21.30 «Время». 22.05 «Тилла ногоралар». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.35 Болалар учун. «Фонарик». (такрорий). 12.00 «Набирим бўласан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. (рус.). 13.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлик завқи». 14.10 Ленинград мудофаасининг 40 йиллигига. «Қиш тонги». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Чипнинг саргузашти». Мультфильм. 18.40 «Ўсмир ва қонун» (рус.). 19.10 «Кичик шаҳарлар истиқболи». «Индустрлашган Косон». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Шаҳар остидаги саройлар». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»). 20.00 «Турмуш ва маданият». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Музика истиқболи эгалари». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бутун куч—ғўза парваришига». 22.25 Монголияда Халқ революцияси галабасининг 60 йиллигига. «Нариги томондагилар, тингланг». Бадиий фильм (СССР-Монголия). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Эмилбекнинг ёзи». 19.00 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 19.40 «Орзу қилиш ҳуқуқи». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20:20 «Оқ дада ҳовли». Телефильм. (рус.). 21.00 Абитуриентлар учун. Математика.

Тошкент политехника институти ректорати, партия комитети ва маҳаллий комитети автоматика ва телемеханика кафедрасининг катта ўқитувчиси К. Ҳ. Турдибековга онаси

Фотима

ТУРДИБЕКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши— 22-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—33-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 39-90-50.

8 ИЮЛЬ, 1981 й. Р — 02113. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В — 2157. 6